

К Е Н Ж А Е В С А Р Д О Р Н У Р М У Р О Д Ў Г Л И

Бухоро давлат педагогика институти,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

E-MAIL: SARDORKENJA@MAIL.RU

Профессор, тарих .фанлари доктори _____ тақризи асосида

EMERGENCE OF THE RISK OF CONFLICT IN MILITARY RELATIONS BETWEEN AMIR TIMUR AND THE CHINESE STATE

Annotation

This article discusses the risk of conflict between Amir Temur and the Chinese state. The directions of his military-political activity until 1404 were mainly focused on the western and southern borders. Information about the military preparations for several years for the implementation of the Chinese campaign and the events related to this process are given.

Key words: diplomacy, military campaign, "three-year war", Arghunshah, "Zafarnama", Asian continent, Middle East, food, cattle fodder, "Five-year", "Seven-year".

ВОЗНИКНОВЕНИЕ РИСК КОНФЛИКТА В ВОЕННЫХ ОТНОШЕНИЯХ МЕЖДУ АМИРОМ ТИМУРОМ И КИТАЙСКИМ ГОСУДАРСТВОМ

Анотация

В данной статье рассматривается риск конфликта между Амиром Темуrom и китайским государством. Направления его военно-политической деятельности до 1404 г. в основном были сосредоточены на западных и южных рубежах. Приведены сведения о военных приготовлениях за несколько лет к осуществлению Китайской кампании и событиях, связанных с этим процессом.

Ключевые слова: дипломатия, военная кампания, «трехлетняя война», Аргуншах, «Зафарнама», Азиатский континент, Ближний Восток, продовольствие, фураж для скота, «пятилетняя», «семилетняя».

АМИР ТЕМУР ВА ХИТОЙ ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ХАРБИЙ МУНОСАБАТЛАР ЎЗАРО ТЎҚНАШУВ ХАФИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Анотация

Ушбу мақолада Амир Темур ва Хитой давлати ўртасидаги харбий муносабатлар ўзаро тўқнашув хафининг вужудга келиши ҳақида фикрлар йуритилган. Унинг 1404 йилга қадар бўлган харбий-сиёсий фаолиятининг

йўналишлари, асосан, ғарбий ва жанубий сарҳадларга қаратилган эди. Хитой юришини амалга ошириш учун бир неча йиллар харбий тайёргарлик кўрганлиги ва шу жараён билан боғлиқ воқеалар хусусида маълумотлар келтирилган.

Калит сўз: дипломатия, харбий юриш, “уч йиллик уруш”, Арғуншоҳ, “Зафарнома”, Осиё қитъаси, Яқин Шарқ, озиқ-овқат, чорвани ем-хашак, “Беш йиллик”, “Етти йиллик”.

Кириш. Амир Темурнинг Хитой харбий юриши пухта тайёргарликка асосланган уруш эди. Ушбу юриш амалга ошган тақдирда Осиё қитъасининг тарихий тақдирини бутунлай ўзгартириб юборарди. Амир Темурнинг олдинги урушларидан фарқ қилган ҳолда Мин империясига қилинажак юришни келтириб чиқарган омиллар сифатида Осиё қитъасида гегемонлик учун кураш ҳамда темурийлар ҳокимиятининг легитимацияси масалаларини кўрсатиш мумкин. Эҳтимолки, бу харбий юришга Амир Темур бир неча ўн йиллар давомида тайёргарлик кўрган. Унинг 1404 йилга қадар бўлган харбий-сиёсий фаолиятининг йўналишлари, асосан, ғарбий ва жанубий сарҳадларга қаратилган эди. Хитой юришини амалга ошириш учун бир неча йиллар керак бўлишини буюк саркарда яхши англари. Узоқ вақт давомида Узоқ Шарқда уруш олиб бориш учун эса мамлакатнинг ғарбий ва жанубий чегаралари хавфсизлигининг тўла таъминланиши талаб этиларди. “Уч йиллик”, “Беш йиллик”, “Етти йиллик” урушлар натижасида Ўртаер денгизи соҳилларига қадар бўлган минтақалардаги рақиблар яқсон қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Тадқиқот доираси алоҳида ўрганилаётган мавзу сифатида таҳлил этилган бўлсада, бир қатор тарихий манба ва адабиётларда мавзуга доир маълумотлар келтирилган ва қайд этилган. Жумладан, Соҳибқироннинг “Темур тузуклари”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-Мақдур-фи-тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари)”, Руи Де Клавихо Гонсалеснинг “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 - 1406)” номли тарихий манбалар тадқиқот мавзусини очиқлашга ва ёритиб беришга катта хизмат қилган. Шунингдек, Б.Аҳмедов,

А.Мухаммаджонов, Л.Керен Н.Аҳмедов, З.Муқимов, К.Султонов, Мухаммад Али, М.Иванин, У.Абдуллаев А.Чориев, А.Одилов, Э.Азимов, Р.Ш.Алеуова, А.А.Туляганов каби олимларнинг асарлари ва тадқиқотларида ҳам таҳлил этилаётган масала доирасига оид маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мазкур илмий мақолада муаммоларни комплекс тартибда умумлаштириш, тарихий қиёсий таҳлил ва тарихийлик, холислик, маълумотларни тизимлаштириш каби тамойил ҳамда усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). 1395 йилда шимолдаги энг хавfli душман – Олтин Ўрдага ўнганмас зарба берилди. Ҳиндистон уруши даврида эса жанубий сарҳадларга таҳдид солиши мумкин бўлган Деҳли султонлиги (1206-1526 й.й.) таъсири яриморол ичкарасига суриб ташланган. Мамлакат хавфсизлиги тўла таъминланиб, вилоятлар бошқарувида қобилиятли амирзодалар ва ҳарбий санъатда моҳир саркардалар тайинланди. Энди Шарққа томон қилинажак сафарни беҳавотир амалга ошириш мумкин эди.

Амир Темур ўз фаолияти давомида доимо шарқий чегараларнинг хавфсизлигини таъминлашга эътибор берган. XIV асрнинг 80 йилларига келиб шарқий чегараларда Қамариддин таҳдиди маҳв этилди. Бу эса, Яқин Шарқ минтақасида “уч йиллик уруш”ни бошлашга имкон яратди. Аммо, 1389 йилда Мўғулистон тахтига ўтирган Хизр Хўжахон ҳам дастлаб Амир Темур давлатига нисбатан душманлик кайфиятида эди. “Беш йиллик уруш” даврида, 1394 йил Қамариддин яна шарқий чегараларга бостириб киради. Муиниддин Натанзийнинг маълумот беришича, ўша йили Шохрух Мирзо ҳамда Умар Шайхнинг ўғли Искандар Мирзолар биргаликда Мовароуннаҳрни бошқариб туриш учун Самарқандга жўнатилган. Кейинги йилларда Қамариддин хавфи бутунлай бартараф этилди. Хизр Хўжахон билан эса 1397 йилда тинчликка эришилиб, Амир Темур унинг қизи Тўкал хонимга уйланган. Шунга қарамай, кейинги йилларда шарқий чегаралар хавфсизлигига эътибор янада кучайди. Аслини олганда, бу Хитой юришига

тайёргарлик эди.

1398 йил бошларида Амир Темур катта набираси, валиахд шахзода Муҳаммад Султонга баъзи саркардалар ва 40 минг суворийни ҳамроҳ қилиб, Ашпара қальасини қуриш ҳамда ундан шарқда бўш ётган ерларни ўзлаштириш тўғрисида буйруқ беради. Ушбу йўналишда янги қишлоқлар барпо этиш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик ва савдони йўлга қўйиш орқали шарққа қилинажак юришда қўшинни озиқ-овқат, чорвани ем-хашак билан таъминлаш мақсади қўзланган [11:152].

Рус тарихчиси М.Иванин “Ашпара” деб Шарқий Туркистондаги Қорашаҳар мавзесини кўзда тутган [6:198]. Аммо, “Зафарнома”да бу иккала шаҳар алоҳида-алоҳида тилга олинади.

Амир Темурнинг 1398-1399 йиллардаги Ҳиндистон юришлари вақтида Муҳаммад Султон мўғул чегараларида ўзига топширилган вазифани бажараётган эди. 1399 йил май ойида Муҳаммад Султон Самарқандга чақириб олиниб, “етти йиллик уруш” даврида пойтахтни бошқариб туриш вазифаси унга топширилади. Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Ашпара қурилишида иштирок этган амир Ҳожи Сайфиддин, Худойдод Ҳусайний, амир Шамсиддин Аббос каби саркардалар яна мўғул сарҳадларида ўз ишларини давом эттириш учун жўнатилганлар. Андигон (Андижон) вилоятига ноиб этиб Искандар Мирзо тайинланган [10:251]. Амир Темурнинг Муҳаммад Султон, Искандар Мирзо каби суюкли набираларини шарқий чегараларда тутиб туриши бежизга эмас. Юксак масъулият талаб қиладиган бу вазифалар ҳар томонлама қобилиятли амирзодаларгагина ишониб топширилиши аниқ эди. “Етти йиллик уруш”да соҳибқирон Амир Темур билан бир қаторда кўплаб содиқ саркардалар ва амирзодалар қатнашдилар. Аммо, шарқий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат захиралари жамлаш, разведка ишларини олиб бориш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмасди.

1399-1400 йил қишида Амир Темурнинг Қорабўғдаги қароргоҳига Искандар Мирзонинг ёш бўлишига қарамай (бу вақтда у 15 ёшда эди)

Мўғулистон сарҳадларига юриш қилиб, ғалаба қозонганлиги ҳақидаги хабар келади [12:278]. Тарихий адабиётларда Искандар Мирзо ҳарбий ҳаракатларининг сабаби сифатида Хизр Хўжахоннинг вафоти кўрсатилган [1:35]. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида ҳам бу фикр ўз тасдиғини топган: *“Жета улусининг подшоҳи Хизр Хожя Ўғлон вафот бўлди, ўғлонлари бир-бири била муҳолиф бўлуб, эл-улуси паршон бўлуб эрди, амирзода Искандар бу хабарни эшитиб, фурсат ганимат билиб, бовужуд улким, ўн беш ёшида эрди, Андижон черикини йиғиштируб, беклари билаким, мулозиматида эрди, мисли Пир Муҳаммад Тагай Бугай Барлос ва Нурак Барлос ва Баён Темур Беккичик Жета ва Пир Хожя Малаш ва Шерматким, Баҳман Жониқурбонининг ўғли эрди, Мўғулистонга мутаважжсиҳ бўлдилар”*.

Искандар Мирзо Кошғарга келганда унинг қўшинига амир Бердибек ва Худойдод Хусайний каби бошқа саркадалар ҳам келиб қўшиладилар. Бирлашган қўшинлар Кошғар, Ёркенд шаҳарларини эгаллагач, Оқсувга хужум қилинади. Шаҳар қирқ кунда таслим бўлиб, Оқсув аҳолиси хитойлик савдогарларни Искандар Мирзога тутиб беришади. Унинг шимоли-шарққа томон жўнатган қўшини Бай (Байчен) ва Кучани забт этган. Сўнгра Искандар Мирзо ўзи қўшиннинг қолган қисми билан Хўтан шаҳрига юради. Шаҳар аҳолиси темурийлар армиясини яхши кутиб олган ва жангсиз таслим бўлган [3:471]. Искандар Мирзонинг ҳарбий ҳаракатлари Хизр Хўжахон вафоти муносабати билан Шарқий Туркистон минтақасида юз бериши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилган эди.

Ушбу ҳарбий юриш борасида Амир Темур томонидан бирор кўрсатма берилганлиги ҳақидаги маълумотлар бизга маълум эмас. Аммо, тез орада Искандар Мирзонинг Самарқандда турган Муҳаммад Султон билан муносабатлари ёмонлашиб, ҳибсга олинган. Унинг отабеги ва навкарлари қатл этилади [2:71]. “Зафарнома”даги маълумотлардан келишмовчиликнинг сабаби амирзодалар ўртасидаги ўзаро рақобат эканлигини англаб олиш мумкин.

Тез орада Амир Темур Муҳаммад Султонни Самарқанддан

чақиртиради. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, валиаҳд шаҳзода бобоси Камох (Фрот дарёсидан ғарбда) қалъасини эгаллагандан кейин унинг хузурига етиб боради [7:71]. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сига кўра, бу вақтда (1401-1402 йил киши) Амир Темур Қорабоғдаги ўрдасида кишлаётган эди. Искандар Мирзо сўроқ қилиниб, айбсиз деб топилади ва жазодан озод қилинади [10:251]. Муҳаммад Султоннинг Самарқанддан чақириб олиниши турк султони Боязид билан бўлажак жанг тайёргарлиги жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда Амир Темур амирзодалар ўртасидаги душманликка барҳам беришга қарор қилганлиги эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Чунки, ўзаро адоват давом этаверса, давлат мустаҳкамлигига путур етиши аниқ эди.

Ибн Арабшоҳ қайд этишича, Муҳаммад Султон ва амир Сайфиддинлар Ашпарада қалъа қуриб, Хитой юриши учун таъминот заҳиралари тўплаётган вақтларда саркардалардан амир Арғуншоҳни бу ерга ҳокимлик этиб тайинлаганлар. Бу фикрни рад этишга асосимиз йўқ. Чунки, ҳеч бир манбада унинг 1398 йилдан кейинги жангларда иштирок этганлиги ҳақида эслатилмаган. Фикримизча, амир Арғуншоҳ Хитой юриши бошлангунга қадар чегара ҳудудларда бўлажак урушга моддий ва иқтисодий тайёргарлик ишларига бошчилик қилган.

Суриядаги Мордин қалъаси қамали (1401 йил баҳори) вақтида амир Аллоҳдод исмли саркарда Ашпара қалъасига жўнатилган. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, унга бу вазифа Шом (Сурия)даги урушларда талон-тарож ишларини амалга оширганлиги учун жазо сифатида берилган. Аллоҳдод Амир Темур вафотига қадар Ашпарада турган ва разведка ишларини амалга оширган. Жумладан, у Хитой томонга борадиган йўллар, бу йўллар бекатларининг орасидаги масофа, қишлоқ, шаҳар, қалъаларнинг аҳволи, саҳролардаги сув кудуклари ва анҳорларнинг жойлашуви, уруғ-қабилаларнинг кайфияти ва бошқалар тўғрисидаги барча маълумотларни тўплаган. Амир Темур ҳали Кичик Осиёдалигидаёқ Аллоҳдод унга ўзи тўплаган барча маълумотларни жўнатди[7:283-285].

Муиниддин Натанзий фикрича, Амир Темур Бағдод қамали (1401 йил июнь ойида бошланган) олдидан Мироншоҳ ўғли Мирзо Умарнинг Самарқандга боришини, у ерда турган Халил (бу Халил Султон эмас)нинг Мўғулистон сарҳадини муҳофаза қилишга отланишини амр этган[8:170]. Амирзодалар ва саркардаларнинг бирин-кетин ва узлуксиз равишда шарқий вилоятларга юборилиб туриши Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги уруш даврида бўлажак Хитой ҳарбий юришини режалаштириб борганлигидан далолатдир. Мамлакат шарқий сарҳадларига жўнатилган амирзодалар ва саркардаларнинг ҳар бирига алоҳида мудофаа, таъминот, разведка вазифалари юкланган. Уларнинг барчаси қобилиятли саркардалар бўлиб, ўз зиммаларидаги юмушни тўла адо этганлар.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Амир Темур Хитой юришини бошлаган вақтда Ашпарада турган амир Аллоҳдодга одам юбориб, унга озиқ-овқат захираларини ҳозирлашни буюради[7:322]. Муаллиф бу ўринда 100 минг (бу ерда рақамларнинг бироз бўрттирилганлиги эҳтимоли ҳам бўлиши мумкин) туяга юк бўладиган ун ҳозирлаш вазифасини тилга олади. Ушбу маълумотлардан англаб олиш мумкинки, Хитой юришига бир неча йил илгари ҳозирлик кўрила бошланганлиги сабабли 1404 йил кузига келиб барча вазифалар адо этилган ва ҳарбий ҳаракатлар учун ҳамма шароитлар тахт эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ака Исмоил. Буюк Темур давлати (Т.Қаҳҳор тарж). – Т.: Чўлпон, 1996. – Б.35.
2. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти – “Ҳазина”, 1995. – Б.71.
3. Груссэ Р. Империя степей. Аттила, Чингиз-хан, Тамерлан. Перевод Х.Хамраева. – Алматы, 2006. – С.471.

4. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.1. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.260.

5. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.1. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.281-282.

6. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур (Тарж. А.Маҳкамов). – Т.: Фан, 1994. – Б.198.

7. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.1. – Т.: Меҳнат, 1992. – Б.322.

8. Натанзий Муиниддин. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) / Муиниддин Натанзий; форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ.Каримий; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т.: O'zbekiston, 2011. – Б.170.

9. Натанзий Муиниддин. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) / Муиниддин Натанзий; форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ.Каримий; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т.: O'zbekiston, 2011. – Б.202-204.

10. Яздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруhi: И.Шоғуломов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.251.

11. Темур ва Улуғбек даври тарихи / Бош муҳаррир Аҳмадали Асқаров, масъул муҳаррир Оқилхон Одилхон. – Т., 1996. – Б.152.

12. Шомий Низомиддин. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.278.